

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ _____

2009 йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг

2009 йил «__» _____ даги

«__» -сонли буйруғи билан
тасдиқланган

АСОСИЙ ШАРҚ ТИЛИНИНГ НАЗАРИЙ ГРАММАТИКАСИ
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200000	Гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси:	220000	Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5220100	Филология (шарқ тиллари) бакалаврият таълим йўналиши учун

Тошкент – 2009 йил.

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2009 йил «___» _____ даги «___» -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Н.М.Орифхўжаев

–“Араб филологияси” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар

Қодиров Т.Ш

–Тошкент давлат шарқшунослик институти “Араб филологияси” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Умаров А.

–Тошкент ислом университети “Шарқ тиллари” кафедраси катта ўқитувчи

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2009йил_____даги «___» -сонли баённома)

Кириш

Ушбу дастур араб тили грамматик қурилмасининг умумий ва типологик тавсифини, сўзларнинг морфологик ва синтактик таркибини ҳамда грамматик услуб ва мазмун каби тушунчалар, грамматик категорияларни таҳлил қилишга мўлжалланган. Бундан ташқари, араб тилида мавжуд бўлган синтактик ва морфологик муаммолар, шунингдек, араб тилига хос классик, замонавий ҳамда анъанавий грамматик таълимотлар ҳам қиёсий-таҳлилий асосида кўриб чиқилади.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **мақсад** - араб тили грамматикасида мавжуд бўлган таянч қоидалар, уларнинг назарий асослари, араб адабий тили ва лаҳжаларида намоён бўлиш ҳолатлари, айрим грамматик ҳодисаларнинг ишлатилиш қўлами ва қўлланиш ҳолатлари ҳамда айрим грамматик қоидаларни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўрганиб, талабаларда кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Фаннинг **вазифаси** – талабаларга илгари ўрганилган грамматик қоидаларнинг назарий асосларини ўргатиш ва уларни тилда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан татбиқ эта билишга ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Араб тили назарий грамматикаси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- араб тили грамматикасининг умумий қурилишининг таркибий қисмини, сўзларнинг морфологик хусусиятларини, араб тилидаги асосий грамматик категорияларни, феълларнинг турларини, уларнинг таркибий ва грамматик – функционал жиҳатдан таснифини; сўзларнинг морфологик ва синтактик боғланишларини **билиши керак**;

- талаба араб тилидаги асосий таянч грамматик қоидаларни ажрата билиши, уларнинг нутқда қўлланиш қўламини белгилай олиши, араб лаҳжаларида айрим грамматик қоидаларнинг қўлланиш хусусиятларини билиши ва уларни адабий тил нормаларидан фарқлай олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- талаба ўрганилаётган грамматик ва тил ҳодисасини таҳлил қилиш, уларни нутқда самарали равишда амалий ва назарий татбиқ эта олиш; уларни нутқда ўринли ва ҳар томонлама қўллай олиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Араб тили назарий грамматикаси” фани ихтисослик фани ҳисобланиб, 7-8 семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган асосий шарқ тили умумқасбий (тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, ўрганилаётган мамлакат тарихи, тилшуносликка кириш, адабиётшуносликка кириш), махсус фанлар (махсус филологияга кириш, шарқ тилларини ўқитиш методикаси, таржима назарияси ва амалиёти, асосий шарқ тили лексикологияси, асосий шарқ тили назарий грамматикаси) фанларидан етарли билим ва кўникмаларига эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг гуманитар фанлар тизимидаги ўрни

Мазкур фан ўқитилаётганда араб нахвининг барча аспектлари назарий жиҳатдан чуқур ва атрофлича ўрганилади.

Шунинг учун ушбу фан араб тили, унинг назарий асосларини ўргатишда ёки араб тили билан боғлиқ бўлган фанларни ўқитишда қўл келади. Шунинг учун у асосий ихтисосий фан ҳисобланиб, шарқ филологияси бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғинидир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг араб тили фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда она тили ва асосий ўрганилаётган шарқ тилидаги дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар электрон материаллар, компьютер воситасида матнларни ўзлаштириш усулларида фойдаланилади.

Асосий қисм

Умумий грамматик қурилишнинг тавсифи

Грамматик тизим тушунчаси. Ўзбек ва араб граммати-касидаги ўхшаш жиҳатлар. Грамматиканинг асосий вазифалари. Грамматиканинг турлари. Грамматиканинг предмети ва вазифаси.

Араб тилида морфемаларнинг тур ва шакллари

Морфемаларнинг бирикиш усуллари. Сўз ва ўзак. сўзларнинг асосий морфологик турлари.

Грамматик категориялар

Грамматик категория тушунчаси. Араб тилида жинс, келишик ва сон категориялари. грамматик категория турлари. Грамматик услуб тушунчаси. Морфологик категориялар ва тил тизимининг типологияси.

Араб тилида сўз турлари ва туркумлари

Араб тилида сўз турлари ва туркумлари тизими. Ҳарфларнинг таснифи.

Араб тилида отларнинг флективлик хусусияти

От. Отларнинг синиқ кўплигида флективлик хусусиятларининг намоён бўлиши. Сифат. Феъл. Сифатдош ва равишлар ҳақида умумий маълумот.

Араб тилида отларнинг бош келишикда келиши

Бош келишикдаги исмларнинг турлари. Мубтадонинг аниқ ва ноаниқ ҳолатда бўлиши. Отларнинг бош келишик-да келиш омили. Мубтадонинг аниқ ва ноаниқ ҳолатда бўлиши.

Араб тилида феълларнинг таснифи

Феъл замонлари **افعال المقاربة و الشروع** Феъл майллари. Модал феъл ва сўзлар.

Тушум келишигида келадиган исмлар

Тушум келишигидаги исмларнинг турлари. Тўлдирувчиларнинг турлари. Бошқа ҳолатда исмларнинг тушум келишигида келиши. Ҳол: **الا. التمييز و المطلق المفعول** ат-тамйиз –илла юкламасидан кейинги эга; **إنّ** –инна юкламасидан кейинги эга; Мутлақ инкор юкламаси. **لا** –дан кейин келган от. **ليس** инкор юкламалари билан бошланган гаплардаги хабар.

Қаратқич келишигидаги исмлар

Изофа бирикмаси. Маънавий ва лафзий изофа. أیة ва أی
олмошларидан кейин келган отлар. Равиш олд кўмакчилар. Олд
кўмакчилардан кейин келган отлар. Истисно юкламаларидан кейин
келган отларнинг қаратқич келишигида келиши. أیة ва أی олмашларидан
кейин келган отлар.

Қаратқич ва тушум келишигининг алмашилиниш ҳоллари

Олд кўмакчиларнинг ту-шум ва қаратқич кели-шиклари орқали
ифода-ланиш.

Араб тилида исмий ва феълий жумлалар таснифи

Гапда эга ва кесимнинг вазифаси.

Исмларнинг аниқ ва ноаниқ ҳолати

Араб тилида тўлиқ мослашув. Синиқ кўпликдаги отлар-нинг
мослашган аниқловчи билан келиши. Изоҳловчи. Отларнинг сон
категориясидаги мослашуви. Бирлик ва кўпликдаги мослашув.

Араб тилида кўшма ва эргаш гаплар.

Аниқловчи эргаш гап. Эргашган кўшма гапнинг грамматик таркиби,
шарт, сабаб, мақсад, эргаш гаплар мисолида. Тўлдирувчи эргаш гап.
Шарт эргаш гап. Мақсад ва сабаб эргаш гап. Ўрин-пайт эргаш гап. Эга
ва кесим эргаш гап. Равиш эргаш гап.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Ушбу курс бўйича амалий машғулотлар илгари ўтилган назарий
билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва янада мукамалроқ
ўзлаштиришни назарда тутади.

Амалий машғулотлар ўтказилиши жараёнида деярли ўтилган барча
мавзулар бўйича семинар машғулотлари ўтказиш ёки айрим мавзулар
бўйича рефератлар ёзиш назарда тутилади.

Амалий машгулотларни ташкил этиш бўйича тавсия этиладиган маувзулар:

1. Исмлардаги иккилик сон категориясининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Араб тилида кичрайтма отларнинг ясалишидаги морфологик услублар.
3. Араб тилида қаратқич ва тушум келишикларининг алмашилиш ҳолати.
4. Икки келишиклик отларнинг таснифи.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Таълим йўналишининг ўқув режасига кўра мазкур фан бўйича лаборатория ишлари назарда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Курс ишларини амалга ошириш назарда тутилмаган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Ушбу ўқув предметининг аспекти бўйича адабиётларни мустақил ўқиш ва коспектлаш;

Талабаларнинг техник воситалар, электрон почталар, веб сайтлар ва бошқалар билан ишлаши.

Мустақил иш жараёнида талабалар бевосита ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

– бунда улар янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлишлари;

– керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлашлари;

– ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланишлари;

– анъанавий ўқув ва илмий адабиётлари билан ишлашлари;

– электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлашлари;

– интернет тармоғидан фойдаланишлари;

– маълумотлар баъзасини таҳлил этишлари;

– ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослашлари ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилишлари керак бўлади.

Мустақил ишларни ташкил этиш бўйича тавсия этиладиган маувзулар:

Арабшунос олим Б.Гранденинг истисно юкламалари борасидаги фикрларини илмий ёндашув асосида таҳлил ва хулоса қилинг.

1. Синиқ кўпликдаги отларнинг мослашган аниқловчилик бирикмаларда келишини шарҳлаб беринг.

2. Араб тилидаги изоҳловчи қоидада мослашув категориясининг ифодасини баён қилиб беринг.

3. Феълларнинг бажарадиган вазифасига кўра таснифини шарҳлаб беринг.

Дастурнинг инфор­мацион услубий таъминоти

Мазкур курс бўйича ўқув жараёнини фаоллаштиришни ошириш учун курс программаси, аудиовизуал воситалар, эшитиш ва кўриш воситалари ва шунингдек, компьютар ситемасини қўллашни назарда тутди.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

- 1.Аз-Замахшарий. الأنموذج فى النحو
- 2.Гранде Б.М. Курс арабской грамматике в сравнительно-исторической освещении. М., 1998.
- 3.Иброҳимов Н.И. Араб тили грамматикаси. Т., 1997
- 4.Ковалев А.А., Г.Ш.Шарбатов. Учебник арабского языка. М., 2000.
- 5.Юшманов Н.В. Работы по общей фонетике, семитологии и арабской классической морфологии. М. 1998.

Қўшимча адабиётлар

- 1.Кузьмин.К. Учебник арабского языка. М., 2003.
- 2.Мишкурров Э.Н., А.Г.Рауфова. Морфологический строй современного арабского языка. Т., 1992.
- 3.Халидов Б.З. Учебник арабского языка. Т., 1987
- 4.1998م. النحو الواضح، مصطفى أمين و على جارم بغداد.
- 5.1984م. اللغة العربية، عماد خاتم، طرابلس.

6. www.Ziyo.net

7. www.Intuit.ru